

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Миллий тиклани
ЎЗБЕКІ


Ижтимоий-сиёсий газета

№ 197 (1258), 2024 йил 27 сентябрь, жума



АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА САЙЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ САМАРАДИ МУВОФИҚЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Сиёсий-юридик комиссияси котиби Чэн Вэньцин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Делегация раҳбари Чэн Вэньцин давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини олий даражада қабул қилинган қарорлар асосида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқиди.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик, кибержиноятчилик, наркотрафик каби хавфсизликка таҳдид солаётган анъанавий ва янги хатарларга қарши курашда амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва сайй-ҳаракатларни самарауди мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кунларда бўлиб ўтган Ҳукуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва хавфсизлик соҳасидаги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик механизмининг биринчичи йигилиши натижалари юқори баҳоланди.

Шунингдек, минтақавий кун тартибида ги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.